Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 19-may • Payshanba • 62 (27.397) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. У Андижонда одамлар ўлимига сабаб бўлган фожиали воқеаларга, улар юзасидан бошланган тергов ишларининг боришига бағишланди.

Ўзбекистон Бош прокурори Р.Қодиров матбуот анжумани қатнашчиларига 13 май куни Андижонда рўй берган воқеалар ва улар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Одамлар қурбон бўлишига олиб келган бир қатор терроризм ҳаракатлари, ваҳшийларча бостқинчиликлар содир этилди. Оқибатда 169 киши ҳалок бўлди. Бош прокуратура томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг терроризм, конституциявий тузумга тажовуз қилиш, икки ва ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдириш, уюшган жиноий гуруҳлар тузиш, оммавий тартибсизликлар уюштириш, гаровга олиш, қонунга хилоф равишда ўқотар қуролларини, ўқ-дори, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини қўлга киритишга оид моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилди. Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ходимларидан иборат тезкор тергов гуруҳи тузилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 81 жиноятчи қўлга олинди. Қўлга олинган ва ҳалок бўлганларнинг 50 таси Ўзбекистон фуқароси эмаслиги аниқланди. Қўлга олинганларнинг 5 нафари Қирғизистон фуқароси бўлиб чиқди, яна иккита шу мамлакат фуқаросининг жасади топилди. Уларнинг ушбу терроризм ҳаракатида иштирок этгани маълум бўлди.

Тергов маълумотларига кўра, бостқинчилар учун қуроласлаҳа улар ҳужум бошлашидан анча олдин четдан келтирилган. Жиноятчилар хорижда ишлаб чиқарилган ва рақамлари ўчирилган автоматлар, тўппончалар ва снайперлик милтиқлари билан қуролланган. Бу қуролларнинг қаердан келтирилганлигини аниқлаш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Қуролли ҳужум давомида террорчилар жами 305 дона қурол-аслаҳани, шу жумладан 205 та автомат ва 100 та тўппонча, 231 та граната ва бошқа қуролларни қўлга киритган.

Бугунги кунга келиб жиноятчилар эгаллаб олган қуролларнинг ярмидан кўпи, шу жумладан 128 та автомат ва 24 та тўппонча қайтарилди.

Террорчилар қамоқдан ноқонуний озод қилганлардан 309 шахс жазони ўташни давом эттириш учун ихтиёрий равишда қайтиб келди. Кўрилган чоралар натижасида 14 маҳбус қамоққа қайтарилди. Қидирув ишлари давом этмоқда.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари анжуман иштирокчилари эътиборини баъзи оммавий ахборот воситалари томонидан Андижон воқеалари нохолис талқин этилаётганига, бирёқлама баҳоланаётганига қаратди. Айрим оммавий ахборот воситаларида авж олган кампаниябозлик расмий тергов хулосалари маълум бўлмасдан туриб, одамлар онгида муайян тасаввур яратишдан, гўёки Андижонда тинч аҳоли ўққа тутилгани ҳақидаги уйдирмаларни тарқатишдан бошқа нарса эмас, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари бундай оммавий ахборот воситаларининг вакиллари «тинч намойиш» қатнашчилари дея таърифлаётган кимсалар яхши қуролланганини, ҳарбий қисмга ҳужум қилганини, хунрезликлар содир этганини, террорчилар ва қотилларни озодликка чиқариб юборганини негадир «унутиб қўйишаётгани»дан таассуф билдирди.

Одамларни гаровга олишни, бегуноҳ инсонлар, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари жонига қасд қилишни «тинч намойиш» деб аташ мумкинми? Шу ўринда халқимизнинг «Қўрқоқ олдин мушт кўтарар», деган мақоли эсга тушади, деди Президентимиз.

Ислом Каримов қатъий таъкидладики, бўлиб ўтган воқеаларнинг тинч намойишга ҳеч қандай алоқаси йўқ, бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу ҳақиқий терроризм ҳаракатидир. Андижонда бирон-бир тинч аҳоли қурбон бўлгани йўқ. 500 киши ҳалок бўлгани ҳақидаги гаплар — уйдирма ва воқеликни атайлаб бузиб кўрсатишдан бошқа нарса эмас. Аёллар, қариялар, болалар ҳалок бўлганини кўрганлар борми? Агар бўлса уларни ким номма-ном айта олади? Операция давомида фақат жангарилар ўлдирилди. Ҳар бир мурданинг ёнидан қурол топилди. Уларнинг шахси ҳуқуқтартибот органлари томонидан аниқланмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳатто Ўзбекистонга дўст деб аташ қийин бўлган ўнлаб таниқли сиёсатдонлар ҳам бу борада ўз фикрини билдираётганида воқеаларни холис баҳолашга интилганини таъкидлади. Шундай экан, ҳар бир журналист ўзининг асосий бурчи ва вазифаси — доимо фактларга таяниб ишлаш эканини унутмагани маъқул. У ўзи тарқатаётган ахборот учун шахсий масъулиятни чуқур ҳис этса, ўшанда ҳаммаси рисоладагидек бўлади.

Журналистларнинг ўша куни Андижонга сафарига монелик қилган ягона сабаб шуки, деб таъкидлади Ислом Каримов, шаҳарда отишмалар бўлаётган, бостқинчилар хуружи авж олган бир вазиятда ҳеч ким журналистларнинг ҳаётини хавф остига қўйишга жазм этолмасди. Ахир биз сизнинг хавфсизлигингиз учун жавобгармиз.

Тадбирда 18 май куни дипломатлар ва журналистлар учун Андижонга махсус авиарейс ташкил этилиши ҳақида маълум қилинди.

Президент Ислом Каримов журналистларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарди.

(ЎзА)

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Нефть ва газ» (OGU 2005) тўққизинчи халқаро кўргазмаси ҳамда «Кончилик, қазиб олиш ва кончилик ускуналари — Mining World Uzbekistan — 2005» биринчи Ўзбекистон халқаро кўргазмаси бугун ўз ишини якунлайди. Улар «ITE Uzbekistan» компанияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Савдо-саноат палатаси, ITE Group Plc (Буюк Британия) халқаро савдо-кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

«Нефть ва газ» халқаро кўргазмасида Австрия, АҚШ, Россия, Эрон каби 16 давлатнинг 100 га яқин компанияси қатнашмоқда. Дарвоқе, кўргазма майдони ўтган йилгига нисбатан 30 фоизга ошган. Бу хорижий компаниялар нинг мамлакатимиз билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга бўлган интилишидан гувоҳлик беради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, тадбир қатнашчиларининг қарийб 40 фоизини россиялик компаниялар ташкил этган. Кўргазма стендларидан нефть ва газни қазиб олиш соҳасида эришилган сўнгги ютуқлар кенг ўрин олган. Шунингдек, тадбир доирасида «Марказий ва Шарқий Осиё ҳавзалари геодинамикаси ва углеводород салоҳияти», «Замонавий технологиялар: иқтисодиёт ва табиий газдан синтетик ёнилғи олиш истиқболлари» мавзуларидаги халқаро илмий-техникавий анжуманлар ҳам бўлиб ўтмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ

✧✧✧

Суратларда: кўргазмадан лавҳалар.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

ТИНЧ БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН ЯНАДА ҚАТЪИЯТ БИЛАН

Ватанимизнинг иқтисодий ҳамда сиёсий жиҳатдан тинч ва барқарор ривожланиб боришини кўролмаётган, анчагина олисни кўзловчи мақсадларига эришиш учун мамлакатимизда вазиятни беқарорлаштиришга интилаётган радикал экстремистик кучлар Андижон шаҳрида содир этган ваҳшиёна жиноий ҳаракатлар умумхалқ қаҳр-ғазабини уйғотди, одамларимиз томонидан қораланди.

Бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлган бу қабиҳ хуруж, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2005 йил 17 май куни бўлиб ўтган мажлисида таъкидланганидек, халқимизнинг руҳини асло заифлаштира олмайди, танлаган қатъий йўлидан уни тойдиролмайди, истиқлол, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, бунёдкорлик ва тараққиёт йўлидан қатъият билан боришига халақит беролмайди. Жамиятни янгилаш ҳамда демократлаштириш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш Ўзбекистонимизни ривожлантиришда бундан буён ҳам аввалгидек устувор йўналиш бўлиб қолаверади.

Бўлиб ўтган фожиали воқеаларга объектив сиёсий баҳо ўша, машъум хуруж содир этилган шаҳарга бориб, вазиятни барқарорлаштиришга ўлкан ҳисса қўшган Президент Ислом Каримов томонидан берилди дейилди мажлисда. Вазиятни нормаллаштириш юзасидан қатъий, ҳар тарафлама пухта ўйланган, энг аввало уни қон тўкмай ҳал этишга, жиноятчилар қўлида гаровда қолган тинч аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар андижонликлар ҳаётини қисқа муддат ичида одатий маромга қайтариш, жамоат тартибини ва хавфсизликни таъминлаш имконини берди.

(Давоми 2-бетда)

Андижонда тинч ва осойишта ҳаёт. Кўчалар, боғ ва хиёбонлар, бозорлар одатдагидек одамлар билан гавжум.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

ЎзХДП янгиликлари

ҚЎШМА МАЖЛИС

2005 йил 17 май куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси ва Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўмининг аъзолари, Олий Мажлис қуйи палатасининг депутатлари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. ЎзХДП МК раиси, Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов мажлисни очиб, шу йилнинг 13 майида бир гуруҳ ақидапараст экстремистлар томонидан Андижон шаҳрида содир этилган воқеалар ва Юртбошимизнинг шу муносабат билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказган матбуот анжумани тўғрисида сўзлаб берди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов, деди у, шахсан Андижонда бўлиб, аҳволни жойида ўрганиб, қуролланган жангариларга қарши курашга бошчилик қилди. Матбуот анжуманида эса воқеа тафсилоти, сабаб ва оқибатлари ҳақида журналистлар, бутун жамоатчиликка асосли қилиб тушунтириб берди.

Андижон шаҳрида юз берган фожиали воқеалар ва уларнинг оқибатида бегуноҳ одамлар, ўз бурчини ўтаётган аскар ва офицерлар қурбон бўлдилар. Бундай ғайриинсоний, ноқонуний амалларни тайёрлаган ва ижро этган экстремист гуруҳлар конституциявий тузум ва инсонлар ҳаётига тажовуз қилдилар. Йиғилиш иштирокчилари экстремистларнинг асл мақсадларини, алданган одамларни ўзларининг жиноий ишларига тортган, уларни гаровга олиб, тирик қалқонга айлантирган жиноятчиларнинг барча хатти-ҳаракатларини қатъий қораладилар.

— Юртимиздаги тинчликка раҳна солишга уринган кўрнамакларнинг хатти-ҳаракатлари бамисоли чопиб бораётган тулпорнинг узангисига, жиловига ёпишишга ўхшайди, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони, республика Ёзувчилар уюшмаси раиси, Сенат аъзоси Абдулла Орипов. — Доно, вазмин халқимиз бундайларни асло қўллаб-қувватламайди. Зеро, уларнинг қора қилмишлари ош еб турган қошиғини пайтаваси билан артишдир.

Нотиқ партия фаоллари, депутатлар, ижодкорларни ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтиришга, одамлар орасида кўпроқ бўлиб туришга, тарғибот-тушунтириш ишларида оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланишга чақирди.

Қўшма мажлисда ЎзХДП МК раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитасининг раиси И.Кочмарик, депутатлар Г.Аннақиличева, А.Козлов, Б.Юсупов сўзга чиқишиб, Андижондаги фожианинг ташкилотчи ва ижрочиларини қаттиқ қораладилар, ушбу воқеага баҳо беришда вазминликни, унинг моҳиятини тўғри тушунишни, жамиятда низо уруғларини сепишга, юртимиздаги барқарорликни бузишга интилаётган кимсаларга нисбатан ҳушёр бўлиш зарурлигини таъкидладилар, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кўрилаётган чораларни қўллаб-қувватладилар.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

18 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда шу йилнинг 13 май куни Андижон шаҳрида содир бўлган фожиали воқеалар муҳокама қилинди.

Депутатлар ўз чиқишларида таъкидладиларки, сохта диний ғоялар билан онги заҳарланган экстремистларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қуролли ҳужуми Ўзбекистонда конституциявий тузумни куч ишлатиш билан ўзгартиришга, халқимизни ўзи танлаган дунёвий, демократик тараққиёт йўлидан қайтаришга бўлган уринишдан ўзга нарса эмас. Мазкур жиноий хатти-ҳаракатлар замирида илдизлари мамлакатимиз сарҳадларидан ташқарига бориб тақаладиган ёвуз кучлар ётибди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакат барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш борасидаги оқилона ва изчил сиёсатини тўла қўллаб-қувватладилар. Мажлисда Қонунчилик палатаси депутатлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари вакиллари билан яқин ҳамкорликда, уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, олимлар, таълим, маданият ва санъат ходимлари иштирокида аҳоли ўртасида, энг аввало, ёшлар ўртасида, мамлакат раҳбарияти атрофида янада маҳкамроқ жипслашиш заруриятига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, мунтазам равишда тушунтириш ишларини олиб боришлари зарурлиги уқтирилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

(ЎзА)

Муносабат

ОНАЖОНЛАР, ЗИЙРАК БЎЛАЙЛИК!

Мустақилликни қўлга киритиб, буюк ишларни бошлаган халқнинг бир фарзанди сифатида Андижонда бўлиб ўтган машъум воқеалар юрагимни ларзага солди. Чунки мен андижонликман, мени шу юрт, шу халқ, шу азиз тупроқ тарбиялади, вояга етказди, обрўмартаба берди. Менинг фарзандларим ҳам Андижонни ўзларининг киндик қони тўкилган она ватани сифатида ардоқлайдилар, ҳар бир қарич ерини азиз билади.

Мамлакатимизда рўй бераётган ислоҳотларда шахсан менинг, фарзандларим, яқинларим, юртдошларимнинг камтарона ҳиссаси борлигидан чексиз фахрланаман, андижонлик хотин-қизларнинг фидойилиги, меҳнатга онгли муносабати, сабр-бардоши, матонатининг гувоҳиман. Шу боис бўлиб ўтган воқеалар нафақат ҳар бир андижонлик оналар, опа-сингиллар, балки бутун республикамиз хотин-қизларини ҳаяжонга солди, хижолатли қалбимиз бу воқеани фожиа сифатида қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг воқеа жойида бўлгани, журналистлар билан ўтказган матбуот конференциясидаги фикрларини тинглар эканман, бу каби ҳодисалар бошқа ҳеч қачон рўй бермаслиги, такрорланмаслиги учун биз аёллар, хотин-қизлар қўмиталарининг мутасаддилари, маҳаллалардаги маслаҳатчилар нима қилишимиз лозим, ҳушёрлик ва зийракликни йўқотмаслик учун қандай йўл тутишимиз даркор, деган саволлар пайдо бўлаверади.

(Давоми 2-бетда)

ҚЎРҒОНТЕПАДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

600 ўринга мўлжалланган янги иқтисодиёт коллежи Хонобод шаҳрининг 2-қурилиш-монтаж бошқармаси томонидан қурилди. Уч қаватли бинода замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ўқув хоналари, кимё ва физика фанлари машғулотларига мўлжалланган лабораториялар ҳамда спорт зали жойлашган.

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON — TURKIYA BANKI
«O'T-BANK YoAJ»
O'zbekistondagi mahalliy va xalqaro bankingiz
Tel: 173-83-24, 25, 173-72-48. Faks: 120-63-62,
WWW.utbk.com E-mail: utbank@utbk.com
Хизматлар лицензияланган

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

ТИНЧ БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН ЯНАДА ҚАТЪИЯТ БИЛАН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сенаторлар мамлакат раҳбарияти томонидан кўрилаётган чораларни тўла қўллаб-қувватлаб шуни таъкидладиларки, ҳеч бир бузғунчи куч Ўзбекистонда халқимиз танлаган конституциявий тузумни ағдариш, «мусулмон халифалиги» деб аталмиш тузилма яратиш йўлидаги қора ниятларини амалга оширишга муваффақ бўла олмаслигини ҳаётнинг ўзи яна бир бор яққол кўрсатди. Жиноятчиларнинг даъвати беэътибор қолганлиги, уларни ҳеч ким қўллаб-қувватламаганлиги, ҳеч ким майдонга чиқмаганлиги фактининг ўзиёқ буни тасдиқламоқда. Баъзи давлатларнинг ўз демократия моделларини зўрлаб, мажбурлов билан тиқиштиришга уринишлари (бундан радикал исломийлар фойдаланиб қолиш ҳаракатига тушадилар) ҳам мамлакатимизда худди шу зайл муваффақиятсизликка учраши тайин.

Сенаторлар рўй берган мудҳиш воқеалар натижасида мутлақо бегуноҳ одамлар, шу жумладан ақидапарастлар ҳамда хорижданги раҳнамо ва ҳомийлари топшириғини бажарган кимсалар томонидан алданган ва йўлдан урилганлар ҳам нобуд бўлганлигидан чуқур таассуф билдирдилар. Содир бўлган воқеалар, деб таъкидлашди парламент юқори палатаси аъзолари, аҳолининг демократик тафаккурини янада ривожлантириш, жамият ҳаётини либераллаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан собитқадамлик билан кенг кўламда иш олиб бориш зарур эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда. Фақат демократик тафаккур, дейилди йиғилишда, жамиятни ҳар қандай диний ақидапарастлик оғуси таъсиридан фориғ этишга қодиردир. Бу масъулиятли вазифани ҳал этишда халқ сайлаган кишилар — сенаторлар фаол иштирок этишлари керак.

Йиғилишда яна шу нарса таъкидландики, сенаторлар ҳокимият маҳаллий вакиллик органларининг вакиллари сифатида сайловчилар билан алоқаларини ҳар тарафлама мустаҳкамлашлари, жамиятда содир бўлаётган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга, диний экстремизм ва ақидапарастликнинг ҳар хил кўринишларига қарши туришга қаратилган демократик жараёнларни чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб боришлари зарур.

Диний экстремизм ва ақидапарастликнинг хавфини тушунтиришда, навқирон авлодда ватанпарварлик туйғуси, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга қаратилган ишларни ёшлар ўртасида тағин ҳам кучайтиришда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш масалаларига сенаторлар алоҳида эътибор бердилар.

ҚЎШМА МАЖЛИС

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қўшма мажлис қатнашчилари масалани атрофлича муҳокама этишгач, ЎзХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги фракциясининг Баёнотини қабул қилдилар. Унда, жумладан, шундай дейилади:

Рўй берган фожиа оқибатида ҳалок бўлган бегуноҳ кишиларнинг оилалари ва қариндошларига таъзия билдириш билан бирга, уларни содир этган айбдорларнинг қонуний жавобгарликка тортилишига ишонч билдирамиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришни жуда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Биз мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг жамиятни ақидапарастлик оғуси таъсиридан фориғ қилишнинг ишончли воситаси бўлган халқимиз демократик тафаккурини ривожлантиришнинг ўта муҳимлиги тўғрисидаги фикрларини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Биз жамиятнинг барча соғлом кучларини ислоҳотларнинг бунёдкорлик мақсадлари йўлида жипслашишга, юртимизда қарор топган тинчлик ва барқарорликни ҳар қандай диний экстремистик тажовуздан асрашга даъват этамиз. Зеро, бу халқимиз манфаатларига қаратилган кенг қамровли ўзгаришларни изчил ва муваффақият билан амалга оширишнинг гаровидир. Мамлакатимиз сиёсий кучларининг сўл қаноти ҳисобланган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси бунга амалий кўмак бериш учун барча куч ва имкониятларини сарфлайдилар.

Қўшма мажлисда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши муҳокамасига киритилаётган масалалар юзасидан партия фракциясининг нуқтаи назари ҳам ишлаб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ОНАЖОНЛАР, ЗИЙРАК БЎЛАЙЛИК!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Албатта, Ўзбекистонда хотин-қизлар катта куч. Улар мамлакат аҳолисининг ярмидан ортиғини ташкил этади. Ўзбекистон хотин-қизларининг жамиятдаги ўрни ва нуфузига муносиб баҳо берган Президентимиз мустақилликнинг ҳар бир йилида камида битта қонун, ҳукумат қарори, фармойиш ёки давлат дастурига имзо чекадилар. Таҳлилларимизга кўра, мустақиллик йилларида қабул қилинган 50 дан зиёд ҳукумат қарори, қонунлар, миллий дастурларда энг аввало оиланинг, она ва у ўстираётган фарзандларнинг манфаати яққол ифодасини топди ва Юртбошимизнинг таклифи билан ушбу режаларнинг амалга оширилиши учун керакли сармоялар, шарт-шароитлар яратилди.

Биз Юртбошимизни мамлакат раҳбари сифатида ҳар қандай шароитда ҳам биз хотин-қизларнинг ғамини ейишини, бизни оталарча яхши кўришлари, фарзандларимизга доимий ғамхўрлик кўрсатиб келаётганликларини жуда яхши биламиз. Биргина мисол, ўтган 2004 йилнинг 25 май куни Президентимиз имзо чеккан «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан бир йил бўлди. Ушбу Фармон ижросини таъминлашга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ҳукумат томонидан миллиардлаб сўм маблағлар ажратилди. Саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ бугун минглаб хотин-қизлар тадбиркорлар ҳаракатига қўшилди, қўшимча иш ўринлари яратилди, юзлаб аёллар фермер хўжаликларига раҳбарлик қилмоқда, хотин-қизлар орасидан раҳбарлар тобора кўпаймоқда, Олий Мажлис депутатлари, сенаторлар орасида хотин-қизларнинг улуши янада салмоқли бўлди, хотин-қизлар қўмиталарининг барча поғоналарида ишлар юқори савияга кўтарилди. Маҳалла қўмиталари таркибига киритилган диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича 7 минг 500 дан ортиқ маслаҳатчи хотин-қизлар ва болаларимиз манфаатини ҳимоя қилиш, маҳалладаги маънавий-маърифий муҳитни барқарорлаштиришда ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Маслаҳатчиларнинг аксарияти юрт орасида обрў-мартабага эришган энг фаол ва фидойи опа-сингилларимиз эканлиги бизни қувонтиради.

Юртимиздаги янгиланиш, демократия жараёнларида хотин-қизларнинг иштирокини қисқа сатрда баён этиш қийин. Шундай бўлса-да, Андижон воқеасидан кейин хотин-қизлар ҳаракатини янада такомиллаштириш, жамият барқарорлигини таъминлашда уларнинг фаоллигини янада кучайтириш борасида зиммамизда жуда катта вазифалар турганини масъулият билан ҳис қиламиз.

Биз оналар, фарзандларимиз юртнинг фидойиси, ватанпарвари бўлиб вояга етишлари учун уларнинг ҳар бир ҳаракатини ўз вақтида назорат қилишимиз, зийраклик ва зукколик билан тарбия беришимиз лозим. Зеро, биз ўз жигаргўшасини дунёдаги ҳамма нарсадан афзал кўрадиган, фарзанди учун жонини ҳам фидо этишга тайёр миллатнинг оналаримиз.

Андижонда рўй берган воқеалардан сабоқ излар эканмиз, ўша машъум кунлари бир тўда оқпадарларнинг даъватлари, чақириқларига эргашиб кўчага чиқмаган, фарзандини маҳкам бағрига босиб, тўполонга аралаштирмаган оналарнинг ақлу заковатига таъзим қиламиз. Ана шундай оналарнинг ҳушёрлиги, дадиллиги, донолиги туфайли жангариларнинг қора нияти пучга чиқди. Улар маҳаллий аҳолининг қўллаб-қувватлашига умид боғлаб, чучварани хом санашганди. Юртпарвар, ватанпарвар, тинчликпарвар оналар бугун ҳар қанча мақтовга лойиқдир. Улар нафақат фарзандлари ва ўзларининг жонларини сақлаб қолдилар, балки юрт шаънини, Андижоннинг обрўсини сақлаб қолдилар.

Минг таассуфлар бўлсинким, ўша бир тўда нобакор ғаламисларни ҳам она туққан, уларнинг ҳам опа-сингилиси бўлган. Мен уларнинг ҳолатларини тушунаман, бошига тушган кулфат ҳеч бир онанинг бошига тушмасин деймиз. Онани тирик қалқон қилиш даражасига борган фарзанд ёки эркакни ким деб аташ мумкин? Ўта тубанлик, бадбахтлик эмасми бу?

Шу ўринда яна бир аччиқ ҳақиқатни айтишга тўғри келади. Бу нобакор кимсаларнинг жиноят йўлига киришида ота-онанинг айби катта, албатта. Шунинг учун ҳам биз хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, оилашунослар фарзанд тарбиясида оила масъулиятини ошириш, ҳар бир оилада соғлом муҳит шаклланиши учун барча имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоғимиз зарур.

Зеро, соғлом оила, ота-она огоҳлиги, демократик тафаккур жамиятни ҳар қандай диний ақидапарастлик оғусидан ҳимоя эта олади. Мустақилликнинг илк онларидаёқ халқимиз, белгилаб олган олий мақсад — эркин, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатга таянган фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан бизни ҳеч ким, ҳеч қандай куч қайтара олмайди.

Андижон воқеаларидан чиқарадиган сабоқлар ҳақида ўйлар эканман, яна ва яна ёшлар, хотин-қизлар орасида маънавий-маърифий ишларни кучайтириш лозимлигига, қизларнинг, опа-сингилларнинг ҳуқуқий маданияти, савиясини янада ошириш йўлида тинимсиз изланишимиз, аниқ тадбирларни амалга оширишимиз лозимлигини ҳис этдим.

Юртбошимиз кўп бор таъкидлаганларидек, мустақил жамиятни мустақил фикрловчи ёшлар қуришга қодир бўлади. Демак, биз оналар, опа-сингиллар ёнимиздаги юртдошларимизнинг, фарзандларимиз ва яқинларимизнинг ҳар бир фикрлаш тарзига, хатти-ҳаракатига ҳушёр бўлишимиз, уларда мустақил ва демократик тафаккурнинг шаклланишига ёрдам беришимиз керак. Минг йиллик маънавий қадриятларга эга халқимизда, оналаримиз ва момоларимизда бундай салоҳият етарли. Бугун ҳар биримиз қаерда, қайси соҳада, қайси вазифада ишламайлик, оналик бурчимизнинг нақадар улуғ эканлигини билишимиз, Яратганнинг олдида ҳам, бандаси олдида ҳам юзимиз ёруғ бўлиши фарзандимизга берган тарбиямизга, ҳушёрлик ва масъулиятимизга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз даркор. Она деган улуғ мартабанинг ўзи биздан ҳамиша огоҳ, ҳушёр ва доно бўлишни талаб этади.

Муносабат

Светлана ИНОМОВА,
Бош вазир ўринбосари,
Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси

УЛАР ЁВУЗ МАҚСАДЛАРИГА ҲЕЧ ҚАЧОН ЭРИШОЛМАЙДИ

Гўзал ва мўътабар Андижон шаҳрида мудҳиш хунрезлик юз берди. Бу воқеа миллати ва эътиқодидан қатъи назар бутун Ўзбекистон халқини ларзага солди, халқаро терроризмга, диний экстремизмга қарши нафратини кучайтирди. Бўлиб ўтган тажовузкорона ҳаракатлар туфайли юртдошларимизнинг жипслиги, бирдамлиги янада ошди.

Президентимиз маҳаллий ва хорижий журналистлар учун ўтказган матбуот анжуманида Андижонда содир бўлган воқеаларнинг мазмунмоҳиятига, уни келтириб чиқарувчи омилларга атрофлича тўхталдилар.

Бир гуруҳ ашаддий жангариларнинг асл мақсади юртимиздаги барқарорликка раҳна солиш, халқимизнинг тинч ҳаёт тарзини бузиш, республикамиздаги конституциявий тузумни ағдариб, ўрнига халифаликни ўрнатиш эди. Бундан 14 аср аввал мавжуд бўлган халифаликни ўрнатиш ҳар томонлама — ҳам сиёсий, ҳам мантиқий жиҳатдан хом хаёл, пуч нарса эканлигини қабоҳат ва разолат ботқоғига ботган жангарилар тушуниб етмади ва етмайди ҳам. Жиноятчиларнинг раҳнамолари хорижда эканлиги, улар жангариларни пул билан таъминлаб, фаолиятини мувофиқлаштириб турганлиги, кейинги бир неча ой мобайнида бу қонли воқеа режасини ишлаб чиққанлиги бугун очиқ-ойдин аён бўлди.

Тафсилотлар шуни кўрсатадики, «Ҳизбут-таҳрир» диний экстремистик оқимининг бир йўналиши бўлган «Акромийлар» Ўш ва Жалолободда, 24 мартда Бишкекда амалга оширилган ҳаракатларни Андижонда такрорламоқчи бўлдилар. Бунинг учун жиноятчилар энг ашаддий йўлни танлашди — ўз бурчини бажараётган Ватан ҳимоячиларининг қонини тўкиб, катта миқдордаги қурол-аслаҳани қўлга киритишди, улар ёрдамида маъмурий биноларни эгаллаб олдилар. Жангарилар бу ҳаракатлари билан аҳолини қўзғатиш, уларни шаҳарнинг асосий майдонига тўплаш мумкин деб ўйлашган эди. Аммо бу интилишлари хомхаёл бўлиб чиқди. Шаҳар аҳли уларнинг даъватларига қулоқ солмади, балки уларга нафрат билан жавоб берди.

Биз, Фарғона давлат университетининг кўп минг сонли талабалари Андижон халқининг мардонавор қатъиятидан фахрланамиз, қўшниларимизни қўллаб-қувватлашга, доимо бирдам бўлишга тайёрмиз. Шу билан бирга, биз ёшлар «Ҳизбут-таҳрир», «Акромийлар» каби жиноий гуруҳ жангариларининг хатти-ҳаракатидан нафратланамиз, улар ҳеч қачон мақсадларига етолмайди, бунга йўл ҳам қўймаймиз.

Ёвузлар разилона қилмишлари билан ўз башараларини яна бир бор ошкор этишди. Тинчлигимиз дахлсизлиги йўлида бевақт оламдан кўз юмган ички ишлар ходимлари, аскарларимизнинг руҳи олдида бош эгамиз.

Биз Ватанимиз шаъни ва хавфсизлигини, мустақиллигимизни ҳимоя қилишга тайёрмиз. Шу билан бирга мамлакатимизнинг барча ёшлари, қўшни республикаларда яшаётган навқирон тенгдошларимизни ҳам диний экстремизм ва терроризм домига тушмасликка, жангари тўдаларнинг мудҳиш хатти-ҳаракатларига қарши биргаликда курашишга чорлаймиз.

Фарғона давлат университети талабалари номидан Хайрулло НОРХЎЖАЕВ, Қаҳрамон МИРЗАЖОНОВ, Одина КАРИМОВА, Дониёр РАҲИМОВ.

Ватан ҳимояси — олий шараф

БИТИРУВ КЕЧАСИ

у сержантлар хотирасида бир умр сақланиб қолиши шубҳасиз

Ҳарбий кийимда шаҳдам қадам ташлаб бораётган йигитларнинг алп келбати, шаҳду шижоатига ҳавас билан қараймиз.

Чортоқдаги Сержантлар тайёрлаш мактабида бўлиб ўтган битирув кечасида ўзгача ғурур, ифтихор ҳисси ҳукмрон эди. 260 нафардан зиёд норғул йигитнинг тийран нигоҳларида тинчлик учун, осойишта ҳаёт учун, она Ўзбекистонимиз сарҳадларининг дахлсизлиги учун шаҳсан жавобгарлик, фидойилик ёлқинланиб турарди. Нуроний отахон ва онахонлар, дилбар келинлару мунис сингиллар, қўйинг-чи, тўпланганларнинг барчаси уларга ҳавас билан боқади. Бунинг боиси бор, албатта. Йигитлар сержантлар мактабига саралаб олинганларнинг сараси сифатида махсус тайёргарликдан ўтдилар.

Қўмондонликнинг буйруғига кўра, уларга кичик сержант унвони берилди.

Табриклар, тантанали қасамёд лаҳзалари иштирокчилар қалбини буткул ром этган ҳаяжонли лаҳзаларда Отабек Одилжоновни суҳбатга тортдик.

— Мен ҳарбий бўлишни болалигимдан орзу қилардим. Оилада ёлғиз ўғил бўлганим учун аввалига ота-онам иккиланиброқ туришди. Қарорим қатъийлигини айтдим. Хизматдан сўнг махсус мактабга йўлланма олганимда эса отам ҳам, онам ҳам чин кўнгилдан оқ йўл тилашди.

— Ватанга шундоқ ўғлон ўстирганимдан фахрланаман, — дея суҳбатга қўшилди Мақсудахон ая. — Юрт тинчлиги, Ватан равнақи учун хизматга бел боғлаган фарзанд ота-она учун, халқи учун ҳам азиз. Бу ерда болаларимизга тарбия берган капитан Беҳзод Соатов, кичик лейтенант Ғафур Юсуфбоев, взвод командири Рашид Матқобуловлардан жуда-жуда миннатдорман...

...Ҳарбий оркестрнинг кўргазмали ижроси, сержантларнинг жанговар маҳоратлари намойиши бадиий ҳаваскорларнинг концерт дастурига уланди. Битирув кечаси ниҳоясига етди. Армиямиз суянчи бўлмиш сержантларни эса олдинда Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли вазифа кутмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: битирув кечаси тантаналаридан лавҳалар.

Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ олган суратлар

ҲАР КИМНИНГ АЙТАР СЎЗИ БОР

Андижон шаҳрида тинчлик-осойишталик. Нобакорларнинг ўзлари каби излари ҳам супурилган кўчалар аввалги тароватини тиклаяпти

Ҳошимжон ОЛИМЖОНОВ, Ўзбекистон халқ артисти:

— Шаҳримиз ҳаёти изга тушяпти, лекин ёвузларнинг қилмишидан изтиробдамиз. Улар маънавият бешиги, санъат маскани, кўплаб улуғ санъаткорларни кўрган, тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган Бобур номли вилоят мусиқали драма ва комедия театрини ҳамда Аббос Бакиров номли кинотеатр биноларини ёқиб юборишди. Муҳташам театрнинг мукаддас саҳнасида Аббос Бакиров, Ҳадича Аминова, Сойиб Хўжаев, Ваҳоб Азимов каби санъат дарғаларининг овози, руҳи кезиб юрган, қалб қони томган даргоҳ ёвузлар ўқига нишон бўлди. Буюк санъаткорларимиз кийган кийимлар, тарихий суратлар, музей экспонатлари ёниб кулга айланди. Бу устозлар анъанасини давом эттираётган жамоамиз ва санъатсеварлар, қолаверса, бутун андижонликлар учун катта йўқотиш бўлди. Афсуски, энди уларни тиклаб, қайтариб бўлмайди. Ёвузлик даф этилган бўлсада эзгулик кўксида унинг жирканч излари қолди...

Толибжон ЙЎЛДОШЕВ, истеъфодаги подполковник:

— Кўнгилдаги гаплар айтилмаса юракни азоблайди. Қай бирини айтай? Юртдошларимиз учун оғир бўлган дамларда яқингача бирга ишлашган сафдошларим хизмат бурчларини сидқидилдан адо этишди. Хизмат вазифасини бажараётган пайтда Андижон вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари — лейтенант Анваржон Жўрабоев, капитан Набижон Давроновлар ҳалок бўлишди. Уларнинг оила аъзолари кўзларига қараш оғир, тасалли айтмоққа тил ожиз. Бирининг муштипар онаси, бошқасининг мурғак фарзанди, умр йўлдоши ноласига тош ҳам эрийди. Уларнинг кўз ёшлари, бегуноҳ одамларнинг уволи ёвузларни тутишига ишонаман.

Театрдаги ёнғинни ўчиришга борган сержант Эркинжон Жўраев, прапоршик Адҳамжон Тиллаев, катта прапоршик, «Жасорат» медали соҳиби Нўъмонжон Юнусов ва яна икки ҳамкасбимизни жангарилар гаровга олишган. Улар ҳар қандай шароитда ҳам хизмат вазифасини бажаришлари зарурлигини дадил айтишган. Юртбузарлар довюрак ўт ўчирувчиларни эртаси куни тонгда гаровдан қўйиб юборишга мажбур бўлишган.

Фожиада Андижон шаҳридаги 1-ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисми бошлиғи, майор Мирзоҳид Мирзаакбаров оғир яраланди. Йигирмага яқин хизматдошлари Мирзоҳиднинг ҳаётини сақлаб қолиш учун шифохонага келиб, биродарларига қон бериб, дўстларининг ҳаётини сақлаб қолишди...

Дўст оғир кунда билинади. Елкама-елка туради. Шунинг учун ҳам бот-бот бош кўтарган ёвузлик янчилади. Яхшилик боқийлик касб этади...

Андижонлик шифокорларнинг жонкуярлиги ва мехри билан Мирзоҳид Мирзаакбаров, Ҳосилжон Дадабоев, Араббой Ҳамидов ва бошқаларнинг жароҳатлари тузаляпти.

Аммо бу ёвузликни ҳеч қачон унутмаймиз. Ҳаммамизнинг юрагимизда айтар сўзимиз бор.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзХДП янгиликлари

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Наманган шаҳар, Деҳқонобод, Китоб, Мирзо Улуғбек, Булунғур, Пастдарғом, Иштихон, Нуробод, Миришкор, Тўрақўрғон, Норин, Поп, Чорток, Избоскан, Балиқчи туман кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтди. Унда партия ташкилотларининг ўтган йилги фаолияти якунлари, хусусан, ялпи сайловлардаги иштироки таҳлил қилинди, йўл қўйилган хатолар, камчиликлар очиқ айтилди. Сўзга чиққанлар мазкур масалалар ҳақида алоҳида тўхталиб, партия Марказий Кенгаши II пленуми ҳужжатлари асосида уларни бартараф этиш, бошланғич партия ташкилотлари ишини жонлантириш ҳақида фикрлар билдирдилар ва амалий таклифларини айтдилар. Шунингдек, улар Андижонда бўлиб ўтган воқеаларга муносабат билдиришиб, экстремистларнинг хатти-ҳаракатларини қаттиқ қораладилар.

Пленумлар қарорларида партия кенгашлари, хусусан ҳар бир бошланғич партия ташкилотининг жорий йилги вазифалари аниқ белгиланди ва уларни бажариш учун ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Бўлиб ўтган пленумларда туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари сайланди.

Хоразм вилоят кенгашида шаҳар ва туман партия ташкилотлари раислари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда бўлиб ўтган пленумлар якунлари ва партия аъзолари томонидан билдирилган танқидий фикрлар, муаммолар ҳамда таклиф-мулоҳазалар асосида тузилган тадбирлар режаси атрофлича муҳокама этилди. Иштирокчилар партия Марказий Кенгаши II пленуми қарорларидан келиб чиқиб бошланғич тузилмаларда ўтказилаётган ҳисобот йиғилишлари савиясини кўтариш, партия аъзоларининг фаоллигини янада ошириш масалаларига алоҳида эътиборни қаратдилар.

Марғилон шаҳар кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва «Камолот» ЁИҲ шаҳар бўлими ҳамкорлигида Марғилон шаҳар ёшлари ўртасида бокс бўйича мусобақа ташкил қилинди. Ғолиблар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Бошланғич ташкилотлар — партия пойдевори





«ЎзХДП САФИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШИНГИЗНИ СЎРАЙМАН»

СИРДАРЁ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИГА ШУ МАЗМУНДА МУРОЖААТ ҚИЛАЁТГАНЛАР САФИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА

...Партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, сиёсий етукликка интилиши ва энг муҳими, молиявий мустақилликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак.

Ислом КАРИМОВ

Ширин — нурчилар шаҳри. Бу ерда истиқомат қилаётганларнинг аксарияти Сирдарё иссиқлик электр станциясида меҳнат қилишади. 2200 нафардан ортиқ малакали ишчи-хизматчи ва муҳандис-техник ходимларни бирлаштирган аҳил жамоа мамлакат халқ хўжалигининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондиришга салмоқли улуш қўшмоқда.

1972 йилда корхонанинг биринчи энергоблоки ишга тушган бўлса, 1981 йилга қадар яна тўққизта бўлими фойдаланишга топширилди. Айни пайтда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг учдан бир қисми ёки 33 фоизи ушбу корхона нурчилари меҳнати маҳсулидир. Бошқача айтганда, республикамиздаги ҳар учта лампочканинг биттаси сирдарёликлар ишлаб чиқараётган электрдан қувват олиб, нур таратмоқда.

Бугун ана шу катта корхонада Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатаяпти. Ўтган йилнинг шу пайтида ташкилот ҳисобида турувчи партия аъзолари 310 нафар эди. Ҳозир уларнинг сони 556 нафардан ошиб кетди. Партияга аъзо бўлиш истагини билдираётганлар эса кун сайин кўпаймоқда. Булар партия ташкилотига ишончнинг ортаётгани, унинг одамлар орасидаги мавқеи, эътибори барқарорлашаётгани белгиси эмасми?

Зокир ХОЛИҚОВ, корхона бош директори, ЎзХДП аъзоси:

— Ҳар соатда 1 миллион 800 минг киловат электр энергияси ишлаб чиқариш салоҳиятига эга жамоамиз ўтган йилни 4 миллиард 700 миллион сўм даромад билан якунлади. Ана шу даромадимизнинг асосий қисми ишчи-хизматчиларимиз, муҳандис-техник ходимларимиз, уларнинг оила аъзолари турмуш даражасини яхшилашга, шаҳримиз инфратузилмасини ривожлантиришга, ёрдамга муҳтожларни ижтимоий ҳимоялашга ишлатилди. Аслида бу иш партиямиз фаолият дастурининг ҳам асосини, маъно-мазмунини ташкил қилади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, партиянинг мақсад-муддаоси билан бизнинг орзу-ниятларимиз муштарак, бир-бирини тўлдиради. Бу эса кучларимизни бирлаштиришни, бир ёқадан бош чиқаришни тақозо этади. Биз ҳам шундай қилдик. Шунинг учун бўлса керак, корхонамизда Халқ демократик партияси сафига кираётганлар, бу партияга эътиқод қўяётганлар сафи ортмоқда.

Нўъмон РАҲМОНБЕРДИЕВ, ЎзХДП бошланғич ташкилоти раиси:

— Ўтган ойда 52 нафар ишчи-хизматчини партиямиз аъзолигига қабул қилдик. Уларнинг барчаси ташкилотчи, тадбиркор, ташаббус кўрсатиб ишлашга, фидойиликка одатланган ўз касбининг усталаридир. Албатта, биз партияга қабул масаласида шошилмаймиз. Чунки сафимизга қўшилмоқчи бўлганлар кўп. Демак, танлаш имконига эгамиз. Қолаверса, партиянинг обрў-эътибори аъзоларининг сони билан эмас, балки улар амалга ошираётган ишлар билан ўлчанади. Яна бир нарсага эътибор қаратишни истардим. Сиёсий фаолликни қўлдан бермаслик учун аввало, ҳар бир партия ташкилоти, бутун партия молиявий мустақилликка эришиши шарт. Бу нарса биринчи навбатда партияга қабул, партиявий интизом, аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаш билан бевосита боғлиқ. Айтиш мумкинки, бизнинг ушбу йўналишдаги ишларимиз ҳам ёмон эмас. Ишчи-хизматчиларимизнинг ўртача ойлик маошлари 123 минг сўм атрофида. Бинобарин, ҳар бир партия аъзоси ойига 1230 сўм аъзолик бадали тўлаяпти ёки бир ойда бошланғич ташкилотимиз бўйича 680 минг сўм маблағ тўпланаяпти. Бир йиллигини ҳисобласак: 8 миллион 160 минг сўмдан ошиб кетади. Йил охирига қадар сафимизга яна 300-400 нафар янги аъзо қабул қиладиган бўлсак, унда бу маблағ 14-15 миллион сўмга етади. Шунинг ўзиёқ партиянинг, унинг бошланғич ташкилоти иқтисодий мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Мавлон ҒАЙБИЕВ, ЎзХДП Ширин шаҳар кенгаши раиси:

— Асоси, пойдевори маҳкам иморат мустаҳкам бўлади ва аксинча, пойдевори мўрт бино салгина зарбага ҳам дош беролмайди. Образли қилиб айтадиган бўлсак, бошланғич ташкилотни партиянинг асоси, пойдевори билан қиёслаш мумкин. Қайси партияда бошланғич ташкилотлар фаол, сиёсий етук бўлса, ўша партиянинг жамиятдаги ўрни ҳам, мавқеи ҳам юқори бўлади. Бу ҳаммага маълум ҳақиқат. Хўш, партиянинг асоси, пойдеворини қандай қилиб мустаҳкамлаш, бошланғич ташкилотлар ишини қай йўл билан жонлантириш мумкин? Бу масалада биз ўзига хос йўлни танлаганмиз. Бу — партияга қабул билан боғлиқ. Аниқроқ айтадиган бўлсам, ЎзХДП шаҳар кенгаши раиси, раис ўринбосарлари, фаоллар вилоят кенгаши тасдиқлаган режа бўйича бошланғич ташкилотларга бориб, партияга қабул масаласида одамлар билан суҳбатлашишади. Сўнгра танланган номзодларнинг ҳужжатларини тайёрлаш, бошланғич ташкилотнинг йиғилишини ўтказиш сингари ишларни бажариш жараёнида у ёки бу корхона, жамоадаги партия аъзолари орасида муайян жонланиш рўй беради. Таъбир жоиз бўлса, анча сустлашиб, заифлашиб қолган бошланғич ташкилот «нафас» ола бошлайди. Шу баҳонада бу ерда қанча партия аъзоси ҳисобда туриши, қанчаси партиядан чиқиб кетгани, аъзолик бадалларини тўлаш масалаларига ҳам бир қадар ойдинлик киритилади. Бу каби амалий ишлар охир-оқибат партиянинг одамлар орасида, сайловчилар ўртасидаги мавқеини барқарорлаштиришга хизмат қилади. Энди ўзингиз хулоса қилинг: ҳар бир бошланғич ташкилотдаги партиявий-сиёсий, молиявий-хўжалик ишлари худди Сирдарё иссиқлик электр станциясидагидай кетса, бундан партиямиз ютадими ёки ютқазадими? Албатта, ютади.



Саодат РАҲМОНОВА, электроцех ишчиси, ЎзХДП аъзоси:

— Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежини тамомлаб, уч йилдан бери электр жиҳозларини таъмирлаш цехида ишлаб келаяпман. Очиғи, бирон-бир партияга ўтиш ниятим йўқ эди. Лекин яқинда бўлиб ўтган бир воқеа сабаб Халқ демократик партияси сафига қабул қилишларини сўраб ариза ёздим. Ушанда ЎзХДП бошланғич ташкилоти раиси Нўъмон Раҳмонбердиев билан корхона бош директорининг ўринбосари Саиджон Ярибековлар цехимизга келиб, шарт-шароитларимиз билан қизиқишганди. Улардан ютуқларимизни ҳам, камчиликларимизни ҳам яширмадик. Шунда Нўъмон ака бизга партиянинг бош мақсади, сўллик позициясининг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб берди. Эшитиб турсам, у киши кўнглимдаги гапларни айтаётгандай. Шу куниёқ ЎзХДП Дастурини топиб, танишиб чиқдим. Ўйлаб кўрсам, корхонамиздаги жуда кўп яхши ишларнинг бошида турганлар ҳам шу партия аъзолари экан. Сўнг партияга аъзо бўлишга ахд қилдим. Партия билетини олганимга ҳам ҳафтаўн кун бўлиб қолди. Шундай йўл тутганимдан, шу қарорга келганимдан хурсандман.

Исмоилжон АБДУРАҲМОНОВ, корхона ўқув комбинати етакчи муҳандиси, ЎзХДП фаоли:

— Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи корхонамизга ишчи кадрлар етказиб берувчи таянч ўқув юрти ҳисобланади. Ҳозир унда ўн бир мутахассислик бўйича 1070 нафар бола ўқияпти. Ўтган йили коллежни тамомлаган 295 нафар йигит-қизнинг 234 нафари бугунги кунда корхона цехлари ва унга қарашли маиший хизмат тармоқларида ишлаяпти. Бу йилги 310 нафар битирувчининг 270 нафарини ишга жойлаштириш бўйича ҳам маъмурият билан келишиб қўйилган.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишни истардим: коллежда ўқувчиларнинг пухта таълим-тарбия олишлари, касб-ҳунар ўрганишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Битирувчилар бизга тайёр ишчи кадр даражасида келишаяпти. Биз ўз навбатида бу ерда уларга бир-икки ҳафта у ёки бу иш бўйича қўшимча машғулотлар ўтказаяпмиз, холос. Шундан кейин улар бемалол ишга тушиб кетишаяпти. Ўқув комбинатимизни зарур воситалар билан жиҳозлаш, унинг ишини ташкил қилишда ҳам Халқ демократик партияси бошланғич ташкилотининг хизматлари катта. Чунки бу ердаги ишларнинг ҳаммасида бошланғич ташкилот раиси ўринбосари Гулчеҳра Хўжаева бош-қош.

✧✧✧

Корхонада ишлар бир меъёрда бораяпти. Ўтган йили режадаги 14 миллиард киловатт ўрнига 15 миллиард киловатт электр энергияси ишлаб чиқаришга эришган нурчилар шу йилнинг дастлабки чорагида 4 миллиард 365 миллион киловатт электр энергияси ишлаб чиқардилар. Якунланган йилда шаҳардаги ижтимоий ёрдамга муҳтож 1934 кишига 66,4 миллион сўм моддий ёрдам берилган бўлса, Сиҳат-саломатлик йилининг биринчи чорагида 178 кишининг ижтимоий ҳимояси учун 24,9 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Бу каби хайрли ишларда, ўтказилаётган ҳар бир тадбирда Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти фаол иштирок этаётир. Нафақат иштирок этаётир, балки шу ишларнинг ташкилотчиси, бошловчиси, амалга оширувчиси сифатида майдонга чиқаётир. Ўтказилаётган ҳар бир тадбир эса ўз навбатида партия аъзоларининг ўзаро жипслиги, ҳамжиҳатлигини қарор топтириш, чинакам уйғониш ва жонланиш муҳитини юзага келтиришга хизмат қилмоқда. Булар кўпчиликнинг кўз ўнгида партия ташкилотининг нуфузини кўтараяпти, унга ишонадиган, унга таянадиган, унга эътиқод қўядиганларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Шу тариқа у сиёсий тажриба орттирмоқда, етукликка интилмоқда, иқтисодий мустақилликка эришишнинг йўлларини изламоқда.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: *корхона марказий бошқарув пультида навбатчи-муҳандис Абдусаттор Холиқулов, электромонтёр Гулчеҳра Йўлдошева; электроцех ишчиси Саодат Раҳмоновага партия билети топширилаяпти; корхона бош директори Зокир Холиқов; ЎзХДП Ширин шаҳар кенгаши раиси Мавлон Ғайбиев; бир гуруҳ муҳандислар саккизинчи энергоблокда; корхона шундай кўринишга эга.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар



МУЗОКАРАЛАРНИ БОШЛАМОҚЧИ

Испания парламенти ҳукуматга баскларнинг ЭТА сепаратчи гуруҳи қуролларини топширган тақдирда улар билан музокараларни бошлашга рухсат берди.

Ҳукумат тепасидаги социалистик партиянинг бу таклифини парламент олти фракцияси қўллаб-қувватлади. Консерватив Халқ партиясигина бунга қаршилигини билдирди.

САММИТ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

Варшавада Европа Кенгаши саммити ниҳоясига етди. Унда ЕКга аъзо 46 мамлакат президенти, бош вазир ва ташқи ишлар вазирлари қатнашишди.

Польша Президенти Александер Квасьневский Варшавада бўлиб ўтган Европа Кенгаши саммити муваффақиятли тугаганини маълум қилди. У саммитга якун ясаркан, бундай халқаро учрашувлар, умумевропа уйини қуришда муҳим унсурлардан бўлиб қолишини алоҳида таъкидлади.

Саммит якунида Варшава декларацияси имзоланди. Ҳужжатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, миллатчиликка қарши кураш ҳамда халқаро терроризм билан курашни кучайтириш зарурлиги айтилди. Саммитнинг барча иштирокчилари «XXI асрнинг бирлашган Европа архитектураси уч унсур: демократия, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва қонун устуворлиги асосида қурилиши керак», деб ҳисоблашмоқда.

Шунинг учун ҳам Варшава декларациясидан олдин саммит иштирокчилари терроризмнинг олдини олиш ҳақидаги Конвенция, одам савдосига қарши курашиш ҳақидаги Конвенция ҳамда жиноий йўллар билан қўлга киритилган пулларни ўзлаштиришга қарши курашиш ҳақидаги Конвенцияни имзолашди.

Учрашув якунида Польша Европа Кенгаши раислигини 6 ойлик муддатга Португалияга топширди. Александер Квасьневский ўз мамлакати раислик қилган давр ҳақида гапирар экан, Польша демократияни мустаҳкамлаш бўйича изчил сиёсат олиб боргани ҳамда Европа минтақасида инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги йўлида хизмат қилганини айтиб ўтди.

Португалия ташқи ишлар вазири Диогу Фрейташ ду Амарал эса «ўз мамлакати раислик қиладиган даврда замонавий Европа олдида турган терроризм, одам савдоси ҳамда миллатчилик каби муаммоларни ҳал қилиш учун бор имкониятларини ишга солишини» таъкидлади.

АБХАЗИЯ ТАКЛИФИ

Абхазия бош вазири Александр Анкваб Грузиянинг Батуми ва Ахалкалаки манзилларидан чиқариб юборилаётган Россия ҳарбий базаларини тан олинмаган республика ҳудудида жойлаштиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

— Биз Россия базаларини Абхазияда жойлаштиришга тайёрмиз. Бунинг учун бизда зарур инфратузилма ҳам бор, — деди у.

Зиддиятларни ҳал қилиш бўйича Грузиянинг давлат вазири Георгий Хаиндрава бош вазирнинг бу сўзларини шарҳлар экан, Абхазия Грузиянинг бир қисми бўлгани учун ҳам Россия ҳарбий базалари масаласини ҳал қилиш абхаз вазири ваколатига кирмаслигини айтиб ўтди.

— Бу Москва ва Тбилиси орасидаги музокаралар мавзусидир, — деди Хаиндрава.

Европа Кенгаши бош котиби Терри Дэвис ҳам Грузиядаги Россия ҳарбий базаларнинг тақдири икки мамлакат орасида ҳал этилиши керак-лигини маълум қилди.

ВАЪДАЛАР БАЖАРИЛАДИМИ?

Бразилияда 12 минг ерсиз деҳқон намойишга чиқди. Улар қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг суръати пастлигидан норози.

Намойишчилар бир неча вазирлик ва Америка элчихонаси олдидан ўтиб, мамлакат президентига арзнома топширишди.

Ерсиз деҳқонлар ташкилоти президент да Сильва ишлатилмаётган ерларни камбағалларга бўлиб бериш ҳақидаги ваъдаси бажармаганлигини таъкидлашмоқда.

ИШЛАР БОСНИЯГА ТОПШИРИЛДИ

Собиқ Югославиядаги ҳарбий жиноятлар бўйича халқаро суд ҳакамлари жиноий ишлардан бирини Босниядаги янги судга топширди.

Энди 1992 йилда Фоча шаҳрида зўравонликларни амалга оширишда айбланаётган босниялик серб Радован Станкович ишини Босния ташкил этилган Ҳарбий жиноятлар бўйича палата кўриб чиқади.

Бу Гаага трибунали Болқон ҳукумати қўлига топширган биринчи иш бўлди.

Трибунал бундан кейин ҳам шу амалиётни қўлламоқчи. Юқори мансабларни эгаллаган жиноятчилар бундан мустасно.

АЙБЛОВЛАРНИ ТАН ОЛМАДИ

Британия парламенти депутати Жорж Гэллоуэй АҚШ сенаторларининг Ироқ нефтини ноқонуний сотиш бўйича қўйган айбловларини тан олмади.

— Мен ҳеч қачон нефть савдогари бўлмаганман ва ҳеч қачон ҳеч ким менинг номимдан савдогарлик қилмаган, — деди Гэллоуэй.

Сенаторлар эса Гэллоуэй Саддам Ҳусайн тузуми даврида 20 миллион баррель нефтни сотиш учун шартнома тузганини таъкидлашмоқда.

ҚИММАТГА ТУШГАН КАДР



Францияда парашют билан Эйфель минорасидан сакраган Норвегия фуқароси ҳалок бўлди.

Тергов давомида маълум бўлишича, Норвегиянинг уч фуқароси минора ёпилишидан олдин беркиниб олишган. Улар бу ишни суратга олинаётган фильмлари учун бир неча кадр тушириш мақсадида қилишган. Соат кечаси ўнда эркаклардан бири миноранинг иккинчи қаватидан сакраб, биринчи қават қурилмаларига урилиб кетди. Парашютчи шу жойда ҳалок бўлди.

Норвегия фуқаросининг ўлими муносабати билан жиноий иш қўзғатилди.

ЁНИЛҒИ ТАҚЧИЛЛИГИ СЕЗИЛМОҚДА

Украинада бензинга белгиланган нарх қўйилгач, мамлакатда ёнилғи танқислиги сезила бошлади. Украинанинг кўпгина шаҳобчаларида бензин олиш муаммога айланди.

Кўпгина ёнилғи қуйиш шохобчалари юқори октанли бензиннни пул ўтказиш йўли билангина сотмоқда.

Ёнилғига давлат томонидан нархлар қўйилганидан кейин уч ҳафта ўтгач тақчиллик бошланди. Ҳукумат нарх белгилаш йўли билан апрель ойида бирдан кўтарила бошлаган нархларни ушлаб туришга эришмоқчи бўлди.

БОШҚАЛАРГА ҚАРАГАНДА...

Греция аҳолиси Европанинг бошқа ҳудудларидаги мамлакатлар аҳолисига қараганда кўп ишлашаркан. Грециянинг «Катимерини» газетасида чоп этилган «Евростат»нинг статистика хизмати маълумотлари бу ҳақда гувоҳлик бермоқда.

Масалан, 2004 йили греклар бир ҳафтада ўртача 44 соат ишлаган бўлсалар, Европа Иттифоқининг «эски» 15 аъзоси бўлган давлатларда бу кўрсаткич 41,5 соатни ташкил этган. Умуман, ЕИнинг 25 аъзосида бу кўрсаткич ўрта ҳисобда 41,7 соатдир.

Хўш, иш вақтининг узайганлигига асосий сабаб нима деган савол туғилиши табиий. Мутахассислар жавоби шуки, ишлаб чиқаришнинг юқори эмаслиги, меҳнатга ҳақ тўлашнинг паст даражалиги ва одамларнинг кўпроқ пул ишлаш учун интилишларидир.

10 ЙИЛДАН КЕЙИН ЎЗИГА КЕЛДИ

Нью-йорклик 43 ёшли ўт ўчирувчи Дональд Герберт 1995 йили Буффалодаги ёнғинни ўчириш пайтида устига девор қулаб, ёнғин ичида қолган ва шу аснода 6 дақиқача миясига кислород етиб бормаган. Натижада оғир беҳушлик ҳолати (кома)га тушган. Икки ойдан сўнггина, яъни 1996 йили у ўзига келган, бироқ кўриш бахтидан мосуво бўлган эди. Бундан ташқари умуман гапиролмас, ўз яқинлари ва қариндош-уруғларини-да танимас эди.

Яқинда у тўсатдан гапира бошлади ва атроф-муҳитга ҳам муносабати ўзгарди.

Бундан етти ярим йил муқаддам унинг хотини Линда ногиронлар уйига тушиб қолган эди. Дональднинг биринчи бўлиб сўрагани ногиронлар уйининг манзили бўлди. Сўнг яна 30 соатлик уйқуга кетди. Шифокорларнинг айтишича, ҳозир унга 10 йиллик «кома»дан чиқиш осон кечмаяпти — организмда кураш жараёни кетмоқда, шунинг учун аввалги ҳафтадагига қараганда организми анча суст, дея хабар беради Reuters ахборот агентлиги.

БОШ ОҒРИГАНДА КЎЗ ХИРАЛАШСА...

Вақти-вақти билан тутадиган қаттиқ бош оғриғи (мигрен ҳуружи) пайтида кўз хиралашса, демак, билингки, инсульт хасталиги (бош мияга қон қуйилиши ёки мия томирларига лахта қон тиқилиши натижасида рўй берадиган оғир касаллик) «эшик қоқяпти». Инсультни ўрганиш бўйича Америка ассоциацияси доктори Wayne Giles ва унинг ҳамкасблари ўтказган тадқиқот натижалари шундай хулоса чиқаришга омил бўлмоқда. Докторнинг айтишича, соғ аёлларга нисбатан мигрен ҳуружи билан оғрувчи аёлларда инсультга чалиниш кўрсаткичи 70 фоиз юқори экан.

Тадқиқот 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган 963 нафар аёл орасида ўтказилди. Улардан 542 нафари инсульт билан оғриган беморлар, 421 нафари эса соппа-соғ аёллардир.

Мигрен ҳуружи пайтида кўзи хиралашмайдиган аёлларда инсультга чалиниш камроқ рўй берган бўлса, ҳуруж пайтида кўзи хиралашадиганларда эса инсультга чалиниш 25 фоизга ортган. Айнан мигрен ҳуружи олдидан кўз хиралашганда эса бу кўрсаткич 70 фоизга кўпайган.

Янги шеърлар

ШУ ВАТАН ОВОЗИДА БОРДИР МЕНИНГ ОВОЗИМ...

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА

БУ ДУНЁ БЕБАҲО, УМР БЕБАҲО...

Куррадай айланар бошим гоҳида,
Тушунмай дунёнинг чигалларига.
Жой талаш бўлмасин дея беҳуда
Оллоҳим ҳар ерга берган бир эга.

Тоғ ҳам бор, боғ ҳам бор — барчада улуш,
Азалий тақдирдан барин олади.
Афсуским, ношукур кўзлайди уруш,
Тинчлик қил устида туриб қолади...

Оқ-қора, нур-соя, яхши ва ёмон
Ўзаро курашга шайлашади қўл.
Ҳамлага ўтади гоҳида шайтон,
Илдизин узмоққа изланади йўл.

Оламда ягона ҳукмдор Эгам
Тақводор аҳлига берган турли дин.
Бегуноҳ қон билан иймонни ювган
«Сохта исломчилар» келдилар қайдин?!

Бу дунё бебаҳо, умр бебаҳо,
Ўйлайман, не учун озор ва офат?!
Заминни яратган нажоткор Худо
Шайтонга йўл берма, йўл берма фақат!..

Инсонлар яшасин беғаму бекам,
Бир-бирин қўлига тутиб иссиқ қўл.
Матлаби — кашфиёт ва ривож экан,
Келажак олдида ҳали бурчи мўл!

❖

ҚУШИҚ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Дунёни унутгум қушиқни тинглаб,
Ўзим ўзим билан қоламан якка.
Хаёллар куртаги гул очар минглаб.
Лаҳзалар ларзалар солар юракка...

Билмайман, қайдаман, ердами, кўкда,
Сеҳрлар оғуши ўғирлаб кетар...
Қувонч ҳам қайғуда — ўйлайман кўпда
Ташвишли бу олам қушиқсиз нетар?!

Қушиқнинг манзили йўқдир дунёда.
Тили ҳам, дили ҳам асли биттадир.
Юракдан юракка кезиб пиёда
Ажиб бир туйғуни абад битадир.

Бу туйғу бағрида турфа ҳаяжон,
Муҳаббат жоласи, табассумми ё.
Бу туйғу меҳрдир, висолдир, ҳижрон,
Томирида оқар олов ҳам дарё...

Она алласидек покиза қалбли
Ҳар инсон куйласин бахтидан жўшиб.
Янграсин ҳар куни «Ассалом» каби —
Қушиқ, яхши қушиқ ва яна қушиқ!

ЎЗБЕКОНА СЎЗ

Хорижда машҳур бўлган
Бухорою Самарқанд,

Кўҳна юртим юзининг
икки чақноқ кўзи бу.

Буюк олим, аллома
макони эди гарчанд,

Билишмасди, бу диёр —
Ўзбекистон ўзи бу!

Мен — бир ўзбек қизини
йўйишарди ўзгага,

Аждоду авлодимиз
ётларга эди жумбоқ.

Балки кимлар уринди
ҳақиқатни бузишга,

Хонатлас, чуст дўппимиз
ҳайратга солди кўпроқ...

Уйингиздан йироқда
ўртайди соғинч беҳад,

Ватандошни кўрганда
ёниб кетар кўзларим.

Қани тезроқ қариса
сафарим, дердим фақат,

Йўрашиб қанот қоқса
ўзбекона сўзларим.

Озодлик шаббодаси
бағримизга эсган он,

Бани-башар онгини
уйғотди овозалар...

Тиллардан тушмай қолди
мустақил Ўзбекистон,

Саховатли бу элга
очилди дарвозалар...

Дунё кезмоқ жоиздур,
ошганингда эл, сарҳад,

Ҳис этурсан ҳар ёқда
кутар «тошу тарози»,

Менинг фахрим шундаки,
Юртимни севдим абад,

Шу Ватан овозида
бордир кичик овозим...

Истиқлол имкониятлари



МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯ — МИЛЛАТ РАМЗИ

XXI аср остонасида Ўзбекистон Республикасида юз берган буюк ҳодиса — мустақиллик туфайли барча соҳаларда ўзгариш ва янгиланиш, бунёдкорлик даври бошланди. Миллий ўзликни англаш, мозий ҳақиқатларини тиклаш борасидаги ишлар элнинг қаддини, қадрини кўтарди. Халқимизнинг бой маънавий мероси, буюк ўтмиши қайта юз очди. Шу билан бирга давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, салоҳияти ва куч-қудрати тобора мустаҳкамланиб борди.

Бу воқеликлар юртимиз ҳаётини, тарихи ва маданият даражасини акс эттирувчи солнома яратишни тақозо этди. 1997 йил 20 мартда Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда нашриёт олдига кўп жилдли «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»ни, шунингдек, ўзбек тилининг изоҳли луғати, соҳа энциклопедиялари, турли луғатлар ҳамда маълумотларни тайёрлаш ва чоп этиш вазифалари қўйилди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб маънавиятга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши, миллий истиқлол ғоясини яратиш, мустақиллик мафкурасини шакллантириш борасида бир қатор муҳим қадамларнинг қўйилиши миллий энциклопедия яратилишида ҳам ўз исботини топди.

Хўш, миллий энциклопедиянинг аҳамияти нимада? Президентимиз таъбири билан айтганда, **«Энциклопедиямизнинг асосий вазифаси — аввало, Ўзбекистоннинг буюк тарихи, бетакрор маданиятини, улуғ мутафаккир ва алломаларимизнинг умумбашарият тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссасини, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон деб аталган гўзал юртнинг ўзига хос ва ўзига мос қиёфасини, Ватанимизнинг табиий-иқтисодий ва маънавий салоҳиятини, энг катта ва ноёб бойлигимиз бўлмиш мана шу муқаддас заминда яшаб ўтган ва яшаётган одамларнинг ибратли фаолиятини бутун дунёга намойиш этишдир».**

«Энциклопедия» юнонча сўз бўлиб, «билимлар доираси» деган маънони билдиради. XVI асрда Ғарбий Европада турли илмлар мажмуи маъносида ишлатилган. Ҳозирги пайтда бу атама фаннинг барча йўналишлари бўйича (универсал энциклопедия) ёки бирор соҳа (соҳа энциклопедияси) ёхуд амалий фаолият бўйича энг муҳим маълумотларни ўз ичига олувчи нашрни — махсус китобни англатади.

Юртимизда энциклопедияларни эслатадиган кенг қамровли китоблар қадимдан яратилиб келинган. Улар қомусий асар дейилиб, қомус сўзи арабча «мукаммал», «тўлиқ луғат» мазмунини беради. Буюк аждодларимиз Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний,

Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Бобур асарларининг баъзилари қомусий асарлар дейилади.

Энциклопедиянинг ҳозирги маънавий ҳаётдаги ахборот берувчанлик, маърифий ва мафкуравий аҳамияти беқиёсдир. Универсал энциклопедиялар, одатда, давлат номи билан юритилиб, муайян мамлакатга мансублигини билдиради. Энциклопедик адабиётларнинг сони ва сифатига қараб таъбир жоиз бўлса, мамлакат фани ва маданий тараққиётининг даражасига баҳо бериш мумкин.

Шу маънода ўзбек энциклопедиясининг миллий нашрини яратиш мустақиллик йилларида маънавий ҳаётимизда очилган энг ёрқин саҳифалардан бири бўлди. Унинг фаолиятини ташкиллаштириш борасида бир қанча илмий марказлар, институтлар, фан арбоблари ва олимлар жалб этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ҳамдўстлик давлатлари орасида биринчи бўлиб бизнинг мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ушбу ишга қўл урилди.

Мазкур қомусий асар «миллий энциклопедия» деб номланган бўлсада, бу мақом умумбашарийликни инкор этмайди. Қолаверса, маданий юксалишни милоддан аввалги минг йилликлардан бошлаган ўзбек халқининг тарихини умумжаҳон тарихи ҳамда инсоният жамияти тараққиётидан ажратиб бўлмас эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳақидаги материаллар энциклопедия умумий ҳажмининг асосий қисмини эгалласа, дунёнинг етакчи давлатлари тўғрисида, халқлар ва илм-фан бобида эришилган энг муҳим ютуқлар ҳақидаги мақолаларга ҳам кенг ўрин берилади.

12 жилдли миллий энциклопедия жами 50 минг мақолани ўз ичига олади. Ҳар бир жилдда 3500-3800 мақола, 800-1200 та сурат, хариталар ўрин олади. Бир жилдни тайёрлаш жараёнида саккиз юздан зиёд муаллиф ва тақризчилар иштирок этишяпти.

Шу ўринда ушбу рақамларни собиқ иттифоқ даврида тайёрланган энциклопедия билан солиштириб кўрайлик. Олдинги энциклопедия 14 жилд бўлса-да, мақолалар сони ҳозиргисидан қарийб 10 мингта кам эди. Ҳозиргисида оз тафсилотда кўп маълумот беришга ҳаракат қилинган, қисқа ва аниқлик мезони кучайтирилган. Қолаверса, рангли суратларнинг мақола билан ёнма-ён берилгани ўқувчининг қизиқишини янада орттиради, тасаввури бойийди.

«ЎзМЭ»нинг биринчи жилди уч йил мобайнида тайёрланди. 2001-2004 йилларда 2-8-жилдлар чоп этилди. Яқинда мазкур қомусий асарнинг тўққизинчи жилди нашрдан чиқди.

Миллий энциклопедиянинг жами 12 жилдини тайёрлаш кўзда тутилган. Бунинг 11 жилди алифбо тартибидаги ҳарфлар асосида ёритилган мақолаларни ўз ичига олса, сўнгги 12-жилдидан фақат Ўзбекистон Республикасига тегишли мақолалар, маълумотлар ўрин олади.

Энциклопедия тайёрлаш мураккаб ва машаққатли иш. У турли фан соҳаларининг тушунчалари ёритилган мақолалар тўплами эмас. Энциклопедияда мақолалар ўзаро боғланган бўлиши, бир-бирини тўлдириши ва бойитиши лозим. Унинг ўзига хос мезонлари, тартиботлари бор. Ҳамма жилдда унга риоя қилиш, нашр йўналишига содиқ қолиш нашриёт ижодий ходимлари олдида турган энг муҳим вазифадир.

— Энциклопедия мақолаларини юксак ғоявий-илмий савияда нашрга тайёрлаш мақсадида, **— дейди нашриёт директори, иқтисод фанлари доктори, профессор Нуриддин ТЎХЛИЕВ,** — «ЎзМЭ» Бош таҳрир ҳайъати ҳамда асосий фан тармоқлари бўйича тегишли мутахассисларни бирлаштирган илмий маслаҳат кенгашлари тузилган. Бу билан аввало, маҳаллий ва умумбашарий мақолалар нисбатини таъминлаяпмиз. Иккинчидан, илмийлик ва оммавийликни таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Бошқача айтганда, илмий мақолалар мазмунига путур етказмаган ҳолда имкон қадар уни халққа тушунарли, оммабоп тилда баён қиляпмиз. Шунингдек, энциклопедияда атамаларнинг тўғри қўлланилишига жиддий эътибор берилади. Ҳозирда «ЎзМЭ»нинг умумий картотекасида 100 минг атрофида атама жамланган. Эндиликда қайси атамани қайси ўринда, қандай қўллаш мумкинлиги компьютерлаштирилган тизимда олиб борилади...

Гарчи энциклопедия нашр этадиган ташкилот ҳозир нашриёт деб аталса-да, у нашриёт ишидан бироз фарқ қилади. Бу ерда бошқа нашриётлардаги каби қўлёзмалар устида ишланмайди, балки шу ерда муаллиф билан муҳаррир ёнма-ён қўлёзма яратади. Биргина маълумотни тайёрлаш учун ўнлаб, юзлаб манбаларга мурожаат этилади. Ҳижжалаб ўқилади ва тартиб берилади. Бир сўз билан айтганда, бу билимлар ўқувчига етиб бориши учун кўз нурлари-ю қалб қўрларини бераётган нашриёт жамоаси меҳнатини чин маънода ватанпарварлик деса арзийди. Зеро, миллий энциклопедия — эришаётган ютуқларимизнинг ўзига хос кўзгуси, эркин ва озод халқ сифатида юксалишимизнинг яна бир муҳим белгисидир.

Анвар САМАДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Спорт

МАҲОРАТ СИНОВИ

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида болалар ва ўсмирлар ўртасида каратэ бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ёш спортчиларидан ташқари Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Малайзия, Эрон давлатлари вакиллари ҳам татамига чиқдилар.

— Ўзбекистонга биринчи маротаба келишим, — дейди россиялик ўн уч ёшли Иван Шумаков. — Бу ерда ёшларга яратилган шарт-шароитлар, айниқса, одамларнинг илиқ муносабати менга жуда ёқди. Кумитэ бўйича ўтказилган баҳсларда муваффақиятли қатнашдим. Дастлабки босқичларда уюштирилган кетма-кет тўрт учрашувда ғалаба қозондим. Фақат финалда тошкентлик тенгдошимга имкониятни бой бердим. Юртимга кумуш медаль билан қайтар эканман, мени ром этган серқуёш Тошкентга яна келишни кўнглимга тугиб қўйдим.

— Сурхондарё вилояти каратэ федерацияси бундан тўрт йил муқаддам иш бошлаган эди, — дейди шу федерация президенти, IV ДАН қора белбоғ соҳиби Хурсандбек Қурбонов. — Ҳозир вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги каратэ тўгаракларида уч минг нафарга яқин ёшлар шуғулланишмоқда. Поёнига етган мазкур мамлакат очиқ чемпионати вилоятимиз ёшлари учун халқаро миқёсда ўз маҳоратларини яна бир синовдан ўтказишлари учун қулай имконият яратди. Ушбу мусобақада вилоятимиздан етмиш нафардан ортиқ ёш каратэчи татамига чиқиб, ката ҳамда кумитэ баҳсларида ўттиз олти вакилимиз ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олдилар.

Чемпионат якунида умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон ёш каратэчилари биринчи, Тожикистон ҳамда Қирғизистон вакиллари кейинги ўринларни эгаллашди.

Эркин ХОЛБОБО

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар



«НАСАФ» ЯККА ПЕШҚАДАМ

Футбол бўйича Ўзбекистон XIV миллий чемпионати олий лига баҳслари турдан турга янада қизиқарли тус олмоқда. Жумладан, чемпионатнинг еттинчи турида қайд этилган натижалар яққол буни кўрсатиб турибди.

Нафақат турнинг балки, мавсумнинг марказий учрашувларидан бири Қаршида «Насаф» — «Пахтакор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Бу йилги баҳсларни кўтаринки руҳда бошлаган мезбонлар пахтакорчиларга қарши муносиб ўйин намойиш этиб, ўз мухлисларини хурсанд қилди. Натижада ушбу учрашувгача бирорта ҳам мағлубиятга учрамаган ва ўз дарвозаларидан бор-йўғи битта тўп ўтказиб юборган мамлакат чемпиони Қаршидан қуруқ қайтди. Мезбонларнинг 3:2 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланган мазкур ўйиндан сўнг «Насаф» жамоаси мусобақа жадвалида якка пешқадам бўлиб олди. Қаршиликлар ҳисобида етти учрашувда 19 очко бўлса, уларнинг асосий таъқибчилари — «Пахтакор» ва «Машъал» футболчилари 13 тадан очко жамғариб кейинги ўринларда боришмоқда.

Турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Машъал» — «Металлург» — 3:1, «Қизилқум» — «Тўпалang» — 5:0, «Сўғдиёна» — «Бухоро» — 0:3, «Трактор» — «Самарқанд» — 4:2.

«Навбаҳор» — «Локомотив», «Нефтчи» — «Шўртан» жамоалари учрашувлари эса бошқа кунларга кўчирилди.

ҲУЖУМЧИНИНГ ЭЪТИРОЗИ

Англиянинг «Челси» клуби ҳужумчиси Матея Кежман жамоани тарк этадиган кўринади. Унинг сўзларига қараганда, ўзини ниҳоятда камситилган ҳис этиб, мавсум мобайнида заҳирада ўтираверишдан жонига теккан. «Мен Лондонга кўчаларда дайдиб, беҳуда пул сарфлаш учун келган эмасман, — дейди Матея. — Кейинги 30 кун мобайнида бор-йўғи ўттиз дақиқа майдонда бўлганимни қандай баҳолаш мумкин? Афтидан, мен мураббийнинг ўзига хос тактикасининг қурбони бўлдим чоғи. Оқибатда имкониятларимни юзага чиқаролмай қолдим. Албатта, жамоанинг чемпион бўлганидан мен ҳам хурсандман».

«МАНЧЕСТЕР»НИ СОТИБ ОЛМОҚЧИ

Америкалик миллиардер Малколм Глэйзер машҳур футбол клубларидан бири «Манчестер Юнайтед»ни сотиб олиш ниятида. У бугунгача Лондон биржасидан футбол клубининг 75 фоиз акцияларига эга бўлган. Глэйзер акцияларни сотиб олишда давом этмоқда. Бундай ҳаракатлар миллиардернинг футбол клубини шахсий корхонага айлантириши учун имкон яратиши мумкин. Агар миллиардер футбол клубининг 90 фоиз акциясига эга бўлса, қолган акцияларни ҳам олишга ва жамоани тўлиқ назорат қилишга ҳақли бўлади.

«ПЎЛАТҚУРИЛМА» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

2005 йил 21 июнь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Чоштепа кўчаси, 35-а уйда, «Механизация сервис» ёпиқ акциядорлик жамиятининг мажлислар залида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият бошқаруви раиси ва бўлинма тизимлари раҳбарларининг ОАЖ фаолияти якунлари ва 2004 йилдаги бизнес-режа бажарилиши юзасидан ҳисоботи.
2. Бухгалтерлик баланси, молиявий натижалар ҳақидаги ҳисобот, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш.
3. Аудитор хулосасини ва тафтиш комиссияси ҳисоботини кўриб чиқиш.
4. 2005 йил учун бизнес-режани кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
5. «Пўлатқурилма» ОАЖ бошқаруви раисини сайлаш.
6. Кузатув кенгаши раисининг ОАЖни бошқариш фаолияти ҳақидаги ва 2004 йилдаги қарорларни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳисоботи.
7. 2005 йил учун Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
8. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
9. 2004 йил якунлари бўйича соф фойдани тақсимлаш ва акцияларга тўланадиган дивидендлар миқдорини белгилаш.
10. 2005 йил учун жамиятнинг аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини тасдиқлаш.
11. Турли масалалар.

Умумий йиғилишда 2005 йил 18 май ҳолатига акциядорлар рўйхатида қайд этилган акциядорлар иштирок этиш ҳуқуқига эга. Акциядорларни рўйхатга олиш 2005 йил 21 июнь куни соат 8.00 дан 9.45 гача «Механизация сервис» ЁАЖнинг мажлислар залида амалга оширилади.

Акциядорлар йиғилиш материаллари билан қуйидаги манзилда танишишлари мумкин: ***Тошкент шаҳри, Ш.Абдуллаев кўчаси, 4-уй. Тел: 54-14-09.***

«Пўлатқурилма» ОАЖнинг 2004 йил учун бухгалтерия баланси

№	Номланиши	Актив	Пассив
1.	Низом жамғармаси		52500
2.	Қўшимча жамғарма		50318
3.	Заҳирадаги сармоя		440069
4.	Тақсимланмаган фойда		459995
5.	Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар		18516
6.	Келгуси давр харажатлари заҳираси		215757
7.	Асосий воситалар	523317	
8.	Номоддий активлар	50393	
9.	Айланма активлар	856083	
10.	Дебитор-кредиторлар	1252093	1444731
11.	**2004 йил учун баланс**	**2681886**	**2681886**

Молиявий натижалар

1.	Солиқ тўланмасдан аввалги умумий молиявий натижа	223203
2.	Тўланган солиқлар миқдори	136589
3.	Соф фойда	86614

Аудитор хулосаси: *Текширув «FIN-AUDIT DOKA» хусусий аудиторлик ташкилоти (2001 йил, 25 июнда берилган Ўз.Р. Молия вазирлиги № АФ — 00092 лицензия) томонидан амалга оширилди. Аудиторнинг тасдиқлашича, молиявий ҳисобот Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерлик ҳисоботи стандартларига мос келиб, барча муҳим кўрсаткичлари бўйича «Пўлатқурилма» ОАЖнинг 2004 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган молиявий аҳволини аниқ акс эттиради.*

Хабар рақами — 07

Қимматбаҳо қоғозлар эгаларининг рўйхати тузилган вақт ҳақидаги эмитентнинг қарори 2005 йил 17 майда Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган. Акциядорлар реестри 2005 йил 18 май ҳолатига кўра ёпилди.

Кузатув кенгаши

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 136-55-05
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 454

9213 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O`zA yakuni — 00.30
Topshirish vaqti — 00.20
1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda